

КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲОЛАТЛАРНИ ЁРИТИШДА АХБОРОТ ОМИЛИ МАСАЛАЛАРИ

Юлдашева Махфузаҳон Қобилжоновна

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Сиёсий фанлар
бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: mofi.83@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада жамиятда фуқароларга коррупцион ҳолатлар тўғрисидаги ахборотларни етказиш омиллари ва маълумотлар тарқатишда замонавий ахборот технологияларининг ўрни ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: Коррупция, тарбия, ахборот омили,, ахлоқ, сиёсий ирода, жамият, тармоқ.

Аннотация: В этой статье мы поговорим о факторах предоставления информации о случаях коррупции гражданам в обществе и роли современных информационных технологий в распространении информации.

Ключевые слова: Коррупция, воспитание, информационный фактор, мораль, политическая воля, общество, сеть.

Annotation: In this article we will talk about the factors of providing information about cases of corruption to citizens in society and the role of modern information technologies in the dissemination of information.

Keywords: Corruption, education, information factor, morality, political will, society, network.

Коррупция кеча ёки бугун содир бўлаётган ҳодиса эмас. Кўп асрлар давомида жамиятнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб келган ва тарихий адабиётларда баён қилиб ўтилган. Бугунги кундаги ривожланиш шароитида коррупция мавзуси айниқса долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Коррупция бугун айнан жамоатчилик билан алоқаларнинг барча соҳаларига кириб бориб, мамлакатнинг самарали ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишига тўсқинлик қилади. Авваллари аксарият ҳолларда коррупцияга оид маълумотлар оммага ошкор қилинмас эди. Жаҳон ахборот макони кенгайиб бораётган шароитда қадриятлар таназзули рўй

бераётганлигини гувоҳи бўлиб турибмиз. **«Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур»** деб айтган Абдулла Авлонийнинг пурҳикмат сўзлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ахборотнинг шахс тақдиридаги аҳамияти ҳақидаги қарашлар жамиятга нисбатан нечоғлиқ таалуқли бўлса, у давлатга ҳам шу қадар бевосита дахлдордир. **Оилада фарзандларимизга НАФС ва АҲЛОҚ борасида тўғри тушунтиришлар, гўзал насиҳатлар бериб бориш ҳар бир инсоннинг нафақат ота-оналик, балки фуқаролик маъсулияти ҳамдир.**

Долзарблик. Глобал тармоқ имониятлари кенг, Internet нафақат ахборот вазифаларини ҳал қиладиган, балки коррупцияга қарши биргаликдаги фаолиятни ташкил етиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган муҳитни яратди. Ижтимоий тармоқларнинг пайдо бўлиши билан жамият имкониятлари кенгайди деб айта оламиз. "Давлат органлари ёки алоҳида мансабдор шахсларнинг ташкилот ичидаги давлат хизматчилари томонидан (тўғридан-тўғри раҳбар ёки бошқа ваколатли шахсга) ёки оммавий ахборот воситалари орқали ноқонуний, ахлоқсиз ёки самарасиз хатти-ҳаракатлари тўғрисида маълумотларни ошкор қилиш" яъни расмий таъсир қилиш жараёни кенгайди. Бугунги тезкор тараққиёт ва янги ислохотлар сари юз тутаётган жамиятда коррупциявий далилларни чоп этувчи онлайн нашрлар, ижтимоий тармоқлар коррупцион ҳолатларни ёритиб бораётганлиги жамиятда фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини ошишига хизмат қилувчи механизмлардан бири деб айтишимиз мумкин.

Ташкилотда коррупцион ҳолат содир этилганда маълумотлар билан боғлиқ ички ва ташқи таъсир қилиш жараёни содир бўлади, яъни ички таъсир қилиш орқали маълумот ва оқибатлар ташкилотдан ташқарига чиқмайди. Шундай қилиб, чиқмайдиган ахборот ва зиддият ташқи аралашувсиз ҳал қилинадиган ҳолатни тушунадилар. Ташқи таъсир-оммавий ахборот воситаларида ахборотни эълон қилиш, ундан кейин суд ва бошқалар маълумотларни ёйилиши билан изоҳлашимиз мумкин.

Коррупциядан ҳам маънавий, ҳам моддий азият чеккан одамлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳар доим ҳам катта куч, вақт ва маблағ сарфлашга тайёр бўлмайдилар, айниқса кўп ҳолларда қилинган мурожаатларнинг ижобий натижаси кўринмас эди ва

одамларда давлатга нисбатан ишончсиз кайфиятда бўлишларига олиб келар эди.

Замонавий технологиянинг ривожланиши жамиятнинг янги қатламини очди десак айтиш мумкин. Бундай ҳолатларни фожия қилиш "беш дақиқа" масаласига айланди (фактларни нашр этиш, видеони тармоқларга жойлаштириш ва ҳк.). Global тармоқнинг пайдо бўлиши бутун тизимини ўзгартирди, ўзаро маанфаатлар тўқнашуви, уларнинг шакли, тартиби ва "мақсадли аудиторияси"ни тубдан ўзгартирди. Шундай қилиб, ҳозирги вақтда интернетдан расмий тушунтиришлар воситаси сифатида фойдаланиш, тобора оммалашиб самарали бўлиб бормоқда.

Таҳлил: Коррупцияга қарши курашда ахборот омилидан фойдаланишнинг хориж тажрибасига назар солсак:

Жумладан Бразилия, Мексика, Украина, Россия, Ҳиндистон ва Хитойда порахўрлик ҳодисалари тўғрисида хабар берадиган махсус ахборот платформаларининг мавжудлиги ва унга ташриф буюрувчиларнинг фаоллиги билан ҳам изох беришимиз мумкин. Полиция билан фавқулодда алоқа қилиш учун яратилган Internet-платформа ёки фирибгарлик тўғрисида ҳисобот берувчи "телефон линияси" бунга мисол бўла олади. Бундай сайтларда коррупция фактлари тўғрисида хабарлар олинади. Ушбу сайтлар маъмурияти ушбу маълумотларни зудлик билан кузатиб боради, керакли маълумотларни аниқлайди ва кейин материалларни расмий жиноятлар билан шуғулланадиган бўлимга юборади, шу асосда жойида текширув ўтказилади. Кўпинча, бундай текширув натижаси мансabdор шахснинг ноқонуний хатти-ҳаракатга ишониши ва натижада уни жавобгарликка тортишдир.

Ўзбекистон тажрибасига назар солганимизда: Давлат раҳбари Ш.Мирзиёев ҳали Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи бўлиб турган вақтдаёқ коррупцияга қарши курашишни давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгилаб берди. Зеро, унинг ташаббусига кўра 2016 йил 14 октябрда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси муҳокамага киритилди. Кейинчалик, 2017 йилнинг 3 январидан мазкур лойиҳага асосланган ҳолда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Бу билан, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси 5-моддасида кўрсатилган талаблар бажарилди. (4) **Давлат бу борада сиёсий, ҳуқуқий жиҳатдан тизимли фаолият олиб бормоқда.** Ўзбекистон коррупцияга қарши изчил ислохотлар ўтказиш жараёнини бошлаган. Коррупцияга қарши

курашиш тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги, Қонуннинг самарали ижросини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш мақсадида коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастури тасдиқланди, шунингдек махсус орган – Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Фуқаролар учун махсус анти коррупцион бот ахборот платформаларини яратганлиги Янги Ўзбекистон тараққиётига жиддий хавф туғдирувчи иллатлар билан муросасиз муносабатда бўлаётганлигидан далолат беради.

Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Қонуннинг 4-моддаси коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари деб номланиб қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиқлик ва шаффофлик, тизимлилик, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги, жавобгарликнинг муқаррарлиги белгилаб қўйилган. Айнан шу модада белгиланган **очиқлик ва шаффофлик** принципа кўра коррупцион ҳолатларнинг ёритилиши ҳам назарда тутилган. Оммавий ахборот воситаларининг очиқлик асосида ҳолатни ёритишига мухбирлар, журналистлар тайёр эмас эди, жамиятнинг аксарият қатламлари учун бу яхши янгилик сифатида қабул қилинди деб айта оламиз. Чунки бу ҳолатдаги ҳолис ахбортни тарқатилиши орқали жамиятда айнан коррупцияга мойиллиги бор шахсларга огоҳлик сигнали бериш билан барҳам берилади.

Охирги йил натижаларини кузатадиган бўлсак, коррупцияга қарши эълон қилинган кураш – Янги Ўзбекистон – очиқ Ўзбекистон амалиётига тўлиқ мос келишини кўрсатди. Давлат ташкилотлари ҳамда тадбиркорликнинг барча бўғинларида коррупцияга қарши аёвсиз кураш олиб борилаётганлиги намоён этилди. Президентимиз коррупцияга қарши кураш эълон қилганда, айримлар ҳаёлида катта минбарда айтилган умумий гап, деган фикр пайдо бўлган ва айримлар эса бунини охирги огоҳлантириш сифатида жиддий қабул қилмаган эди. Лекин энди вазият ўзгарди. Очиқлик принципи эълон қилинди. Энди айбдорлар нафақат жиноий жавобгарликка тортиляпти, балки бутун халқ олдида исми ва кирдикорлари ошкор этилиб, тегишли баҳоси берилмоқда. Ушбу жиноятларни очиқдан-очиқ эълон қилиб, коррупцияни бартараф этиш бўйича амалий ишларни якунига етказиш ҳамда уларнинг илдизларига болта уриш учун давлат

раҳбаримизда катта истак ва кучли сиёсий ирода мавжудлиги яққол намоён бўлмоқда.

Хулоса

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, **Коррупцияга қарши кураш соҳасида ахборот омилидан фойдаланиш имкониятлари жуда кенг бўлиб, ижтимоий тармоқлардан, оммавий ахборот воситаларидан расмий тушунтиришлар, тарғибот воситаси сифатида фойдаланишни ушбу иллатга қарши курашнинг самарали усуллари сифатида баҳолашимиз мумкин.** Тармоқ имкониятларидан фойдаланиб, амалдорларнинг ноқонуний ҳаракатларига қарши блогпостлар яратиб, жамиятга ахборот улашаётган жараёнда эса, холислик, аниқлик ва ҳуқуқий меъёрлардан оғишмаслик- ахборот соҳсидаги касбий профессионаликни талаб қилади. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида муайян натижаларга эришилган бўлса-да, истиқболда бир қатор вазифаларни амалга ошириш лозим. Бунда, рақамли технологиялар имкониятларидан фойдаланиш, ёшларни коррупцияга мурасасиз руҳда тарбиялаш, коррупциявий жиноятларни содир этган шахсларни келгусида муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш каби чораларга алоҳида аҳамият қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Конов А.В. Прозрачности и дисциплина: происхождение принципа прозрачности государственной власти в контексте идей Мишеля Фуко // Вестник Московского Университета. Серия 21. Управление «Государство и общество». – 2005. – № 3.

2. *Chris MacDonald* Whistleblower Uses YouTube to Slam Lockheed Martin, US Coastguard / The Business Ethics Blog [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://businessethicsblog.com/2006/08/29/whistleblower-uses-youtube-to-slam-lockheed-martin-us-coastguard>.

3. <https://aniq.uz/yangiliklar/korrupsiyaga-qarshi-kurash-islohotlar-tahlili-mavjud-muammolar-va-ularning-echimlari>. Сардор Суванов.

4. Собирова, Н. «Актуальные вопросы международного сотрудничества в сфере противодействия компьютерным преступлениям». Общество и инновации, т. 2, вып. 9/S, октябрь 2021 г., сс. 399-05, doi:10.47689/2181-1415-vol2-iss9/S-pp399-405.